



2017 йил –

ХАЛҚ БИЯН МУЛОҚОТ ВА
ИНСОН МАЎФАЯТЛАРИ ЙИЛИ

Оила Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

26 (1332)-сон 5 июль 2017 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият



НОҚОНУНИЙ НИКОҲ

ёхуд кундошлик, қўшхотинлик балосининг хунук оқибатлари ортидаги адолатсизликлар ҳақида

Президентимизнинг жорий йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда кўпхотинликнинг хунук оқибатларга олиб келиши ҳақида айтган сўзлари ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинди. Баҳс-мунозаралар ҳамон давом этмоқда.

Бугунги кунда қонуний никоҳидаги хотинини қўйиб шаърий никоҳ асосида иккинчига уйланаётган эркеклар ёхуд арзимаган қийинчиликларни рўқач қилиб биринчи турмушини бузиб, фарзандини тирик етимлик, саргардонлик домига отиб, бошқа эркекка иккинчи ёки учинчи хотин бўлиб тегаётган аёллар қонуний ва шаърий жиҳатдан адолат мезонларини англайдими?! Мавзунини ўрганиш жараёнида афсуски, бу саволга жўяли жавоб тополмадик.

5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ

"Шу ўринда яна бир нозик масала бўйича алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Баъзан ҳаётда "ЗАГС", яъни, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан ўтмасдан туриб, пул эвазига яширинча шаръий никоҳ ўқитиш, хотин устига хотин олиш ҳолатлари ҳам, минг афсуски, учраб турибди.

Бир пайтлар ҳаётнинг ўзи рад этган кундошлик, қўшхотинлик балоси қандай хунук оқибатларга олиб келиши барчамизни ташвишга солиши керак. Атоқли адибимиз Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" романида кундошлик туфайли бутун бир оила бошига тушган фожиаларни жуда таъсирчан тасвирлаб бергани наҳотки сабоқ бўлмаган бўлса?

Ахир, тегишли давлат идорасида қонуний қайд этилмаган "никоҳ" дан туғилган фарзандларнинг тақдири, келажиги эртага нима бўлади? Табиийки, давлат қонунлари бўйича улар кўпгина ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолади. Хусусан, оталикни белгилаш, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш, мерос ҳуқуқи, ўсиб-улғайганидан кейин боғчага, таълим муассасаларига қабул қилиш масалаларида қанчадан-қанча муаммолар пайдо бўлади.

Энг ёмони, бундай болалар руҳан мажруҳ бўлиб, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етади. Улар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис этолмайди.

Ҳурматли имом-хатиблар, сизлар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган хужжатни кўрмасдан туриб, турли бойвачаларга шаръий никоҳ ўқиб бераётганингизда мана шундай ишингиз оилаларга қандай бахтсизлик, жамиятга қандай катта муаммо олиб келаётганини лоақал тасаввур қиласизларми ўзи?!

Ҳозирги кунда ҳаётимизда авж олаётган ана шундай хунук, ярамас ҳолатларга чек қўйиш мақсадида алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Бу қонунда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган хужжатга эга бўлмаган шахсларга шаръий никоҳ ўқиган ҳар қандай мулла, ағар у валлоат бўлсам, жиноий жазо бериш кўзда тутилади.

Шавкат МИРЗИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

("Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан)



ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМА

Маҳалла институти "адолат тарозиси"га айланса...

Пойтахтимиздаги Символизмлар саройида Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Видеоконференц алоқа тизимида ташкил қилинган анжуманда парламент аъзолари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳудудий кенгашларнинг ташкилий йиғилишларида сайланган делегатлар иштирок этишди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини

мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар аъзолари конференция жараёни онлайн тарзда кузатиб боришди.

Анжуманда сўзга чиққанлар маҳалла институти халқчил тузилма сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол қатнашаётганини алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 февралдаги «Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан мазкур тизим фаолиятида янги тараққиёт босқичи бошланди, тузилма тубдан ислох қилиниб, замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда.

(Давоми 3-бетда)



ТАДБИРКОР АЁЛЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан пойтахтимизда I Республика тадбиркор аёллар бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган 140 нафар тадбиркор хотин-қиз иштирок этди.

Бугунги кунда айниқса, тадбиркорлик, хусусий ва оилавий бизнес, касаначилик соҳасида аёлларнинг иштироки бекиёс. Кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, хусусан, фермер хўжалиқларининг 4 минг 551 нафардан зиёдини хотин-қизлар бошқармоқда. Сунги 10 йил давомида кичик ва хусусий корхоналари бошқараётган аёллар сони 1,6 баробарга ўсди. Уларнинг 40 фоиздан ортиғи кичик бизнес субъектларининг раҳбарларидир.

Марказий банк маълумотиغا кўра, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,5 фоиз кўп яъни, 679,423 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, бизнес гоёларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли кредитлар билан таъминлашга қўмаклашиш мақсадида бир қатор тизимли ишларни олиб бормоқда. "Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли", "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси" каби республика танловлари ва бошқа кўплаб семинар, конференция, форумлар ўтказиб келинмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ЖОНКУЯРЛИК – БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида "Хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий соҳалардаги фаоллигини таъминлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис ҳозирги кунда хотин-қизлар кўмитаси тизимида инсон манфаатларига хизмат қиладиган халқ билан мулоқот қилишнинг янгича механизми йўлга қўйилмоқда.

Айниқса, оилалардаги аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашда, турли камчиликларга ўз вақтида оқилона ечим топишда, касб-хунар коллежлари битирувчиларнинг бандлигини таъминлашда хотин-қизлар кўмиталарининг ҳиссаси бекиёс. Шу боис бугун мазкур жамоат ташкилоти фаолларидан янада ташаббускор, фидойи ва жонкуяр бўлишни талаб этмоқда.

Маҳаллаларда уйма-уй юрган ҳолда, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни барта-раф этиш борасида йўлга қўйилган тизим асосида Жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан жойларда амалий ишлар давом

этирилмоқда. Хусусан, бугунгача республика бўйича тўрт миллион 670 мингга яқин хонадонларга кириб борилди ҳамда қарийб 13,6 миллион аҳоли вакиллари билан бевосита мулоқотлар ўтказилди. Шунингдек, 3848 тиббиёт ва 15 мингдан зиёд таълим муассасаси фаолияти ўрганилди. Аҳоли вакиллари билан мулоқотлар жараёнида 839 мингта турли соҳаларга оид ҳар хил даражадаги муаммолар кўтарилди. Аниқланган муаммоларнинг 405 минг 844 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муассасида идора ва ташкилотлар томонидан жойида ҳал этилиши таъминланди.

Оилалар билан ишлаш жараёнида бугунги тинч ва осойишта кунлар учун шукроналик, юрт келажаги, фарзанд тақдирини учун масъулият туйғуларини янада оширишга, турли иллатларнинг олдини олишга, ёшларни яратилган имконият ва шароитларнинг қадрига етишга чорлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Амалий ишлар натижасида ажримларга йўл қўймаслик, айниқса, оталарнинг оила олдидаги масъулиятини янада кучайтириш, билгим даргоҳларидаги ўқув-тарбиявий ишлар сифатини янада яхшилашга эришилди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Умида АДIZОВА,
"Оила ва жамият" мухбири

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИВ



КЕКСАЛИК БАХТИ

Юртимизда фарзандлари, бир этак неварачеваралари билан яшаётган дуоғўй нуруний отахон ва онахонларимизнинг борлиги энг катта бахт.

– Рўзи момо Жабборова бу йил 110 ёшни қаршиладилар, – дейди Шахрисабз туманидаги "Қутчи" МФЙ диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хурсаной Абдиева. – 4 фарзанд, 26 нафар набира, 97 эварачини суюкли бувиси. Онахоннинг укалари Саъдулло бобо 95, Норбобо ота эса 90 ёшда. Турли тадбирларимизнинг фаол иштирокчисига айланган кексаларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Маҳаллада 7200 нафар аҳоли бўлиб, уларнинг 3700 нафардан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. 1700 хонадондаги аҳоли асосан боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб, дастурхон тўқинлигини таъминламоқда. Рўзи момо Жабборованинг келини Зебо Эсонова онахоннинг иссиқ-совуғидан хабардор. Набира келинлари Дилором Эргашева ва Санобар Мажидовалар ҳам нуруний момони асраб-авайлашмоқда. Юз билан юзлашиб, бир юз ўн билан учрашиб турган Рўзи момо Жабборова элимизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик тилаб дуода.


Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" мухбири

МАЪНАВИЯТСИЗ МАЪРИФАТ БЎЛМАС!

Дунёда глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган, турли бузғунчи ғоялар миллий қадриятларимизга, маънавиятимизга таҳдид солаётган бугунги кунда мамлакатимизда "Жаҳолатга қарши маърифат" тамойили асосида иш олиб борилаётгани ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика Маънавият тарғибот маркази Сурхондарё вилоят бўлими ташаббуси билан Олтинсой туман ҳокимлиги ҳамда туман Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечим" мавзусида сайёр ўқув семинари ташкил этилди. Семинарда туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, туман (шаҳар) бўлимлари мутасаддилари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тумандаги қорхона, ташкилот ва муассасалардаги маънавий-маърифий соҳа бўйича масъуллар, маҳалла фаоллари, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Олтинсой тумани ҳокими Э.Бойниёзов, Республика Маънавият тарғибот маркази Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари Ф.Шарипов миллий маънавиятимизни асраш, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий



ишлар самарадорлигини оширишимиз муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар.

Тадбирда Олтинсой туманида маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ишлар, бу борада эришилган ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар ва соҳадаги ишларни янада жонлантириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, семинар давомида қорхона, ташкилот ҳамда муассасаларда "Маънавият ва маърифат хонаси"ни ташкил этиш, жиҳозлашга эътибор қаратилиб, масъулларга тегишли таклиф ва тавсиялар берилди. Маърузалар тақдимот слайдлари орқали амалга оширилди.

Тадбир давомида иштирокчилар жойлардаги маънавий-маърифий ишлар билан яқиндан танишдилар. Туман тиббиёт бирлашмасида, тумандаги 6-сонли умумий ўрта таълим мактаби ҳамда Маиший хизмат касб-хунар коллежида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбир доирасида "Гулбод" маҳалласида ташкил этилган маҳалла кутубхонасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Китобхонлик, китобни севиш, инсон камолотида китобнинг ўрни масалалари кенг муҳокама қилинди. Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан китоблар, тарқатма материаллар кутубхона фон-

дига тақдим этилди.

Сайёр ўқув-семинари нафақат таълим муассасалари ва қорхона ташкилотлардаги маънавий-маърифий ҳолатни ўрганишда балки, маҳаллалар, хонадонлар ва оилалардаги маънавий муҳит билан яқиндан танишишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айни шу мақсадда "Бўстон" маҳалласидаги бир қатор оилаларга ташриф уюштирилди. Ташрифлар чоғида оилалардаги ижтимоий маънавий муҳит билан яқиндан танишилиб, оила аъзолари ўртасида китобга бўлган меҳр, бугунги кундан шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғуларини шакллантириш, мамлакатимизда маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти халқчил ва содда тилда тушунтириб берилди. Шунингдек, оилаларда китоб ўқишга бўлган меҳрни уйғотиш, фарзандларимизни илм олишга, изланишга бўлган иштиёқини кучайтириш мақсадида ташкилотчилар томонидан бадиий китоблар жамланмаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Семинар давомида иштирокчилар Маънавият тарғибот маркази Олтинсой туман бўлими фаолияти, ишлаш тизими билан яқиндан танишдилар. Марказнинг моддий техник ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида вилоят бўлими томонидан меҳел жиҳозлари, телефон, факс ва фотоаппаратлар топширилди.

Бундан ташқари, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этган, қорни натижаларга эришган, танловларда ғолиб бўлган туманнинг бир қатор ёшлари тадбир ташкилотчиларининг диплом, китоб ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Чорихон ҚОСИМОВ,
"Оила ва жамият" мухбири

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР БИЗНЕС-ФОРУМИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бизнес форумда республикада аёллар тадбиркорлигининг бугунги ҳолати таҳлил қилинди, муаммолар аниқланди ҳамда уларни ҳал қилиш имкониятларини ўрганиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчи қизларини, шунингдек, уюлмаган аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда мутасадди ташкилотларга тақдим этилди.

Мазкур жараёнда тегишли республика давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг масъул ходимлари эксперт сифатида иштирок этиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ва режалаштирилаётган ишлар, ҳуқуқий-

меъерий ҳужжатлар ва тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган янги қарор ва фармонлар мазмун-моҳияти ҳақида бизнес форум иштирокчиларига кенг тушунча беришди.


– Биз трикотаж маҳсулотлари чиқарамиз, – дейди Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “Бека Чарос” хусусий корхонаси раҳбари Гулбека Қўқорова. – 2008 йилда 2 нафар қиз билан иш бошлаган бўлсак, айни пайтда корхонамизда 46 нафар хотин-қиз ишламоқда. Ушбу форум биз учун жуда аҳамиятли ва самарали бўлди. Юртимизда фаолият олиб бораётган тадбиркор аёллар билан яқиндан танишдик, ўзаро тажриба алмашдик ва ҳамкорликда ишлаш учун келишиб олдик.

– Хоразм вилоятдан турли йўналишлар бўйича ўз ишини йўлга

қўйган 12 нафар тадбиркор аёл мазкур форумда иштирок этяпмиз, – дейди “Тадбиркор аёл” ассоциациясининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари, “Navro’z Travel” сайёҳлик фирмаси директори Дилдора Атаева. – Барчамиз ўз йўналишимиз бўйича бошқа вилоятлардан келган тадбиркор аёллар билан фикр алмашяпмиз. Биз оиламиз билан Урганчда меҳмонхона хизмати йўлга қўйганмиз. 2008 йилда 7 хона билан иш бошлаган эдик. Бугунги кунда 23 хонада 60 нафар сайёҳга хизмат кўрсатяпмиз. Авиакассамиз ҳам бор. Айни пайтда сайёҳлар учун нонушта тайёрлайдиган

янги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Хоразм вилояти ва Қўқон шаҳрида куён етиштирувчи фермер аёллар билан шартнома тузди. Ушбу шартномага кўра 100 нафар ишчи ўрни яратилиши маълум қилинди.

Форумда фаол иштирок этганлар Хотин-қизлар кўмитаси томонидан “Ташаббускор тадбиркор аёл”, “Энг кўп ишчи ўрин яратган тадбиркор аёл”, “Энг кўп экспорт қилган тадбиркор аёл”, “Муруватли тадбиркор аёл”, “Энг масъулиятли ижтимоий шерик”, “Энг яхши оилавий бизнес соҳибаси”, “Энг кўп ёшларни иш билан таъминлаган аёл тад-



биркор”, “Етиштирилган маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйган энг яхши фермер аёл”, “Ўзбек миллий хунармандчилиги сулоласининг энг яхши аёл давомчиси”, “Энг фаол касаначи аёл” номинациялар бўйича диплом ва хорижда малака ошириш учун сертификатлар

билан тақдирландилар. Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

билан тақдирландилар.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

Зебо НУРМОҲОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур фармонга мувофиқ Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига юридик ва хас мақоми берилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари Республика кенгашининг таркибий тузилмалари сифатида ташкил этилди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг март ойида мамлакатимизнинг туман ва шаҳарлари, май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг ташкилий йиғилишлари ўтказилди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг таркиби, кенгашлар раислари лавозимига тегишлича туман (шаҳар)лар ва вилоятлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари ҳамда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, кенгашлар котиблари тасдиқланди. Кенгашларнинг намунавий низомлари муҳокама этилди.

– Айни пайтда фуқаролар йиғинларида шакллантирилган Жамоатчилик назорати гуруҳи маҳаллалар ва оилалардаги, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганмоқда, – дейди Жиззах шаҳридаги “Олмазор” МФЙ диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Офтобой Нишонов. – Фуқаролар йиғинлари моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани, 2018 йилнинг 1

ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМА

Маҳалла институти “адолат тарозитини”га айланса...



декабрига қадар туманлар ва шаҳарлар марказларида намунавий лойиҳалар асосида “Маҳалла маркази” мажмуалари барпо этилиши, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари учун “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони таъсис этилгани фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишда муҳим омил бўлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, маҳалла аҳли бир оила каби ишончли, мустаҳкам ришталар билан ўзаро узвий боғланиши учун маҳалла фаоллари, профилактика инспектори ҳар бир оила

аҳволдан, қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиши, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик тарғиботчисига айланиши лозим. Шундагина одамлар маҳаллага келиб ўз фикрини, таклифини, дардини бемалол айтади, муаммосига ечим топади.

Республика кенгашининг таъсис конференциясида давлатимиз раҳбари фармонида белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти, мазкур ҳужжат ижросини таъминлашда Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ва фуқаролар йиғинлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

– “Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон билан тасдиқланган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар” Дастури фаолиятимизни янги ва самарали босқичга кўтарди. Айниқса, ҳудудий кенгашлар таркибига давлат ҳокимияти вакиллик органлари аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар ходимларини жамоатчилик асосида киритилиши маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Сирдарё вилояти Боёвут тумани “Зиёкор” МФЙ раиси Назокат Эрматова.

Анжуманда Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини тузиш, кенгаш аъзоларини тасдиқлаш, кенгашнинг Устави ва рамзи лойиҳаларини муҳокама қилиш, кенгаш бошқарувини сайлаш, тафтиш комиссиясини сайлаш каби ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Республика кенгашининг раиси, унинг биринчи ўринбосари, ташкилий ишлар ва услубий масалалар, ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, кенгаш котиби сайланди. Республика кенгаши қошида жамоатчилик назорати гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркиби тасдиқланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Комилов иштирок этди.

Х.МУСУРМОҲОВА,
“Оила ва жамият” мухбири

ПРЕЗИДЕНТ

...Турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди.

Ёш оилалар орасида арзimas сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда.

Яна бир нохуш ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман: оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

(“Ижтимоий барқарорлини таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан)

ДАХЛСИЗ ҲАЁТНИНГ БАРЧАГА ДАХЛДОР МУАММОЛАРИ

қизлар кўмитаси раиси Ш.Пардаева. – Бунинг натижасида суд орқали ажрашмай, бир неча йиллаб алоҳида яшаётган оилалар мавжудлиги аниқланди. Оқибатда иккинчи марта уйланган йигитлар фарзандлари учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштира олмаган. Бундай оилаларга ҳуқуқий ёрдам берилди: яъни, ажримлар қонунийлаштирилди. Натижада статистик маълумотларда ажралишлар сони шу йилнинг биринчи чорагида кескин ошгандек кўринди.

Ш.Пардаеванинг гапида жон бўлиши мумкин. Аммо оилавий ажримларни таҳлил қиларканмиз, улар орасида феълӣ бир-бирига тўғри келмаган, чет элга кетиб қишлоғидаги ширин оиласидан воз кечган, спиртли ичимликларга ружу қўйган инсонлар туфайли ҳам ажралишлар содир бўлганига гувоҳ бўлдик.

М.Ғафурова, вилоят ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

– Афсуски, аксарият ҳолларда оила пароканда бўлиб, тикланишининг сира иложи бўлмагандан кейингина хабардор бўлаемиз. Ваҳоланки, маҳалла маслаҳатчилари бу оиладаги муҳитдан хабардор, ўз вақтида тегишли идораларга мурожаат қилиб,

оила мустақамлигида муҳим давр саналади-ку. Оилавий низолар бўйича кўплаб суд ишларини кўриб чиқарканман, бир нарсага амин бўлдим: оилада отанинг ўрни ва сўзи бор хонадонларда ажралишлар кузатишмас экан!

Яна бир масалага алоҳида эътибор қаратилишини истаймиз. Мамлакатимизда турмуш қуришдан олдин ёшларнинг никоҳ шартномаси тузишлари учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Бу имкониятдан фойдаланётганлар сони эса бармоқ билан санарли. Аммо ажрашаётган пайти икки томон ўртасида мол-мулк юзасидан шунақа катта низолар келиб чиқадики, уларга қараб, «Болам ажралиш учун уйланмаяпти, нега тўйдан олдин мол-мулкни бўлиб олиш учун ёмон ният қиламиз», деган кишилар шулармиди, деб ўйлаб қоласан. Маслаҳатчи оилалар, ҳар бир келиннинг сарпосуруқларини ўзларининг гувоҳлигида тўй бошидааноқ қайд этиб қўйишса, деган таклифи бор эди.

М.Бобоёров, «Маҳалла» хайрия жамаот фонди вилоят бошқаруви раиси:

– Оилавий ажралишларнинг олдини олиш мақсадида фонд томонидан туманларда кўчма йиғилишлар олиб бориюмоқда. Бундай йиғилишларни туман миқёсида, айнан бир маҳалланинг ўзида ўтказилишини ташкил қиламиз. Маълумотларга қараганда, тумандаги баъзи маҳаллаларда бир неча йилдан бери оилавий ажралишлар кузатилмаган. Хўш, улар қандай қилиб бу натижага эришди. Шу тажрибаларни ўрганиб, оммалаштиришимиз керак.

Шундай маҳаллалар туманда анчагина экан, ушбу ҳудуд фаоллари сўзга чиқиб, ўз тажрибалаари билан ўртоқлашди. Ҳар шанба – диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг семинарлари ҳоқимиятда эмас, маҳаллаларнинг ўзида ташкил этилиши белгилаб олинди. Диний идора вакиллари, яраштириш комиссиялари аъзоларининг ажралиш учун ариза берган оилалар билан суҳбат олиб бориши йўлга қўйилади. Маҳаллада белгилаб олинган чоршанба – оила куни эса маслаҳатчи оилалар фаоллар билан бирга тўй бўлиш арасидаги, янги қурилган оилаларга режа асосида кириб бориш таклифи қўллаб-қувватланди.

Худди шундай семинарлар вилоятдаги Иштихон, Каттакўрғон, Нарпай, Оқдарё, Тайлоқ, Ургут туманларида ҳам ўтказилди.

Кўпинча оила аъзолари, хусусан, эр, хотин: “Оилавий ҳаётимизнинг бошқаларга дахли йўқ, истасак яшаймиз, истамасак ажрашамиз”, деган фикрда бўлишади. Аммо ажрим содир бўлган оилада фарзандлар руҳияти ва тарбиясида содир бўладиган ўзгаришлар, баъзи оилаларда ажрашган аёлга нисбатан ноўрин муносабат, умуман, дарз кетган оилада юз берган кемтиклик ўз-ўзидан жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Бундай вазиятда оилага дахлсиз ҳудуд деб қараш бирор бир қоидага тўғри келмайди.

Гулрух МҰМИНОВА,
Самарқанд вилояти
Инфографик Ахбор МАЛИКОВ



Отинийлар, эл ичида

обрўли, намунали отахон-онахонлар билан биргаликда шу хонадонга бориб, ёшларнинг оилага қанчалик тайёрлигини ўрганиши, зарур бўлса, бу ҳақда ота-онага ҳам керакли тавсиялар бериш – бугун жойларда ташкил этилган «Қайноналар кенгаши»нинг асосий вазифаларидан биридир.

М.Тожибоев, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси:

– Ўтган йили вилоятда оилавий муаммолар бўйича беш мингдан зиёд иш



масалани ижобий томонга ўзгартириш мумкин бўларди.

Ўтган вақт мобайнида хотин-қизлар кўмиталари томонидан шаҳар ва туманларда никоҳдан ажралиш ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб, муаммо оилаларга ҳуқуқий-психологик ёрдам кўрсатиш бўйича гуруҳлар ташкил этилди ва Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди.

Натижада жорий йилда 1287 нафар фуқародан оилавий келишмовчиликлар юзасидан аризалар келиб тушган бўлса, 1216 оилада муҳокамалар ўтказилган. Шулардан 1104 тасида нотинчликларга барҳам берилди. Аммо баъзи туманларда бу масалада ижобий томонга ўзгариш йўқ. Семинар давомида уларни чуқурроқ ўрганиб, аниқ вазифалар белгиланади.

Оилавий низоларнинг олдини олиш учун ишни ўша хонадонда тўй бўлишдан олдин бошлаш керак.

Самарқанд вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан оилавий ажралишлар сони ортган ҳудудларда ўтказилаётган семинарлар айнан шу муаммоларнинг илдизини ўрганиш, уларни бартараф этиш масалаларига бағишланмоқда.

Биринчи семинар шу йилнинг ўзида 60 дан зиёд оилавий ажралишлар содир бўлган Булунғур туманида ўтди. Хусусан, ушбу тумандаги Дўстлик, Амир Темур маҳаллаларида бу ҳолатлар қарийб икки бараварга ортган. Семинар ишида вилоят ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Ғафурова, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси М.Тожибоев, «Маҳалла» хайрия жамаот фонди вилоят бошқаруви раиси М.Бобоёров оиладаги муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни шарҳлаб, унинг олдини олишда фаоллар олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритди.

Тумандаги маҳаллаларнинг яраштириш комиссияси аъзолари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, фаоллар иштирок этган анжуманда салбий ҳолатларни яхшилаш бўйича таклифлар ўртага ташланди. Муаммолар ечимини топиш юзасидан баҳс-мунозаралар бўлди. Табиийки, аввало туманда оилавий ажралишларнинг кескин ошиб кетиши сабаблари ўрганилди.

– Жорий йилда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ишлари ҳар бир оиладаги реал аҳволни чуқур билиш имконини берди, – дейди туман ҳоқими ўринбосари, хотин-

БУГУННИНГ ГАПИ

БЕФАРҚЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛСИН

Гулҳаё РАСУЛОВА, Гулистон шаҳар никоҳ уйи мудараси:

– Президентимизнинг куюнганича бор. Бугунги кунда кўшхотинлик кўплаб ижтимоий, маънавий муаммоларни юзага келтирмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида оилага масъулият билан қараш ҳисси камайиб бормоқда. Ёш оилалардаги ажримларда ота-оналар ва катталарнинг аралашуви кўп кузатилмоқда. Яқинда идорамизга бир ота келиб: “Ўғлимни тезда шаърий никоҳдан ўтказишим керак, менга маълумотнома беринглар”, деб талаб қўйди. Биринчи турмушдан ажрашган, иккинчи марта турмуш қуриш учун ариза берган ўғли ҳали тиббий кўриқдан ўтиб улгурмаганини, қонуний никоҳдан ўтмай туриб, шаърий никоҳ ўқита олмаслигини тушунтиришга уриндик: “Менга қонуний никоҳнинг керак эмас, ўғлим шаърий никоҳ билан ҳам яшайверади”, деб

Жамиятимизда маънавий муҳит соғломлигига эришишимиз учун энг аввало эркак ва аёлларнинг хулқ-атворидаги ана шу салбий ҳолатларга қарши курашишимиз керак. Оиласи ва фарзандларининг келажагига бефарқ қараётган ҳар бир ота-она бирдек маъмурий жавобгарликка тортилиши шарт, деб ўйлайман.

ЁШЛАР КИМДАН ЎРНАК ОЛАДИ?

Зубайдаҳон АҲМЕДОВА, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги “Янгибоғ” МФЙ хотин-қизлар кўмитаси бошланғич



НОҚОНУНИЙ НИКОҲ

ёҳуд кундошлик, кўшхотинлик балосининг хунук оқибатлари ортидаги адолатсизликлар ҳақида

жанжал қиляпти. Бундай оталарнинг илмсизлиги, маънавиятсизлиги, фарзандининг оиласига ва неваралари тақдирига белисанд қараши одамни ўйлантиради.

Қонуний никоҳдан ажрашмай туриб, иккинчи марта турмуш қураётганлар ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам кўплаб муаммоларга дуч келишади. Айтайлик, аёл эри билан расман ажрашмай, иккинчи марта турмушга чиққан бўлса-ю, фарзанд кўрса, расмий никоҳдаги эридан: “Бола меники эмас”, деган раддия олиб келмагунча болага исм-шариф берилмайди. Баъзан беш-ўн йиллаб бирга яшаётган, бошқа турмуш қуриб кетган аммо расман ажрашмаган эр-хотинлар шундай муаммоларга дуч келишади. Бундай ҳолатда кўпчилик эркаклар: “Боламга раддия бер, деб хотинимнинг биринчи эрига ялиниб ўтирганимдан кўра, ажра-

ташкilotи раиси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси:

– Юртбошимиз ҳар бир маърузасида, қабул қилаётган Қарорлари ва Фармонларида жамиятимизда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб, келажақ авлод – Ватанимиз вояларининг тинч-тотув, ҳамжиҳат оилаларда ўлғайишига эришишимиз кераклигини қайта-қайта ўқтирмоқда.

Минг шукурлар бўлсинки, юртимизда файзли оилалар жуда кўп. Бироқ гуруч курмасиз бўлмаганидек, ҳаётимизда оиланинг қадрига етмайдиган, ношукур, тўқлиққа шўхлик қилувчи эркак ва аёллар ҳам учраб турибди-да. Оиласи, фарзандларига хиёнат қилаётган айрим эркакларнинг кўнгли иккинчи хотинни тусаб қоляпти. Баъзилари эса оила шаънини ўйламай, кўкракка уриб: “Мен икки хотинлиман”, деб керилиб юрибди. “Иккинчи хотинимни оилам биллиб қолмаса эди”, деб беҳаловат бўлиб ҳаёт кечираётганлар ҳам бор.

Яхши ниятлар билан бир ёстиқча бош қўяётган ёшларнинг беш-олти ой ўтмай, ажрашиб кетаётгани ҳам бугуннинг оғриқли муаммоларидан биридир. Никоҳи расман бекор бўлишини кутмай, йигит “онаси ўлмаган қиз”га шаърий никоҳ билан уйланапти. Бунда минг афсуски, катталар, оила бошлиқлари ҳам фаол қатнашапти. Иккинчи турмушдан фарзанд туғилган, орадан майда-чуйда гап ўтса, йигит биринчи хотини билан ярашапти, натижада икки хотинлик бўлиб қоляпти.

Одоб-ахлоқ, ибод-ҳаёни унутган айрим қиз-жувонларимиз эса бадавлат эркакларни йўлдан уриб, шаърий никоҳига қиряпти ва унинг ҳақиқий “хўжайини”га айланиб: “Мен бу одамнинг кир-чирини юви-

шим шарт эмас, ўйнаб-кулиб юрсам бўлди”, деган калтабин ҳаёлда юришибди. Ҳаётни уйин-кулги ва маишатдан иборат деб ўйлаётган айрим эркакларимиз биринчи хотинга шунчаки, уй бекаси сифатида қараб, иккинчи хотинни машина-ю, зебу зийнатлар билан сийламоқда. Оқибатда отаси тарафидан онасига нисбатан ҳурматсизлик, белисандликни кўрган болалар қалбида бир умрга унутилмайдиган гина-адovatлар пайдо бўляпти. Бола отасидан (ёки онасидан) нафратланиб вояга етмоқда.

Лавозимларда ўтирган, амалдор эркаклар орасида икки хотинлилар кўп учраётгани бор гап. Аммо вақт ўтиши билан уларнинг аксарияти бу ишдан пушаймон бўлиб, расмий никоҳдаги хотини ва фарзандлари ҳузурига қайтаётгани ҳам ҳаётий ҳақиқат. Шундай йигитлар билан суҳбатлар ўтказишимизга тўғри келганида мансаб лавозимлари ҳавоси билан муомала қилишса, “Болам, ташқарига чиқиб, лавозимингизни эшик орасида қолдириб қиринг”, дея дашном беришга ҳам мажбур бўляпмиз.

Касб-кори, тадбиркорлиги билан жамиятда маълум бир мавқега эришган мана шундай эркакларимиз яхши хулқ-атвори билан бошқаларга ўрнак бўлиш ўрнига ўткинчи ҳою-ҳавас измида оиласи ва фарзандлари олдидаги бурчи, масъулиятини унутиб қўляпти. Улар атрофдагиларга салбий жиҳатдан “ибрат” кўрсатиб турса, ўсиб келаётган ёш авлод кимга қараб бўй ростлайди. Кимдан ҳаётий андоза олади?!

Шунинг учун Президентимиз таъкидлаганларидек, кўшхотинликка чек қўйишимиз керак. Оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришимизда маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган жамаотчилик назорати кенгашлари, хотин-қизлар билан ишлаш ва яраштириш комиссиялари аъзоларининг фаоллиги жуда муҳим.

Оилалар мустаҳкамлиги, фарзандларнинг ўза-онаси билан бағри бутунлиқда, кўнгли кемтик бўлмай вояга етишида ҳаммамиз бирдек масъул ва даҳлдор эканимизни унутмайлик, азизлар.

Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА тайёрлади



шиб қўя қолганим яхши”, деб осонгина йўлни танлашади ва бошқа бир аёлга шаърий никоҳ билан уйланиб кетаверишади. Яна она ва бола жабрланиб қолаверади...

Шу ўринда бир мулоҳазам бор, агар аёлнинг ахлоқи бузилса, унга нисбатан (кўпол бўлса ҳам айтаман) фоҳиша деган нисбатни берамиз. Эркак шу ишни қилса-чи? Ахир бугун эркакларимиз орасида ҳам чакки қадам босаётганлар, оиласи олдида масъулиятини ҳис этмай, қайта-қайта шаърий никоҳ билан уйланиб, ажрашиб кетаётганлар ва ҳатто қайси аёлида нечта боласи борлигини ҳам билмайдиганлари бор-ку.

ИНТЕРНЕТ

Мавзу доирасида ижтимоий тармоқларда давом этаётган мунозаралардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз. Асосан эркакларнинг фикр-мулоҳазаларини тўплашга ҳаракат қилдик.

Жасур Нурдинов: – Кўпхотинликни эплаш жуда қийин масала. Эркаклар асосан нафс устунлигидан келиб чиқиб хотинни кўпайтиришади. Хотинни туғиб, кўриниши ўзгариб қолса, ажрашиб, ташлаб кетиш кўпайиб кетди. Аёллар орасида ёлғиз она бўлиб қолиш ҳолатлари жуда кўп.

Қодир Равшанов: – Президентимиз бу масалани кўтарганида ҳозир биз тушунаётгандан бошқачароқ нарсани назарда тутган, чамамда. Яъни, бир аёл билан қонуний ажрашмасдан туриб иккинчиси билан шаърий никоҳ асосида яшашнинг салбий оқибатлари ҳақида гап бормоқда бу ерда. Яна билмадим.


Ҳушвақ Жўраев: – Мен ҳайронман, Оллоҳим ҳамма нарсани жуфти билан яратади-ю, нега аёл кўп деб додлаймиз. Балки фоҳиша кўпайиши, аҳмоқлар, орсизлар, иймонсизлар кўпайиши кимгадир фойда келтираётгандир, келтираяпти ҳам.

Шамшод Ривожов: – Кўшхотинликни қўйинглар, акалар. Ўзи биттасини боқамиз деб сочимиз тўқилиб кетяпти-ку...

Рустамжон Тешабоев: – Кўпхотинлик деганда фақат хотин устига хотин олиш тушунилмасин. Бу-икки нафар боласи билан бева қолган аёллар, 30-35 ёшга кириб ҳам турмушга чиқмаган қизлар, жисмоний нуқсонни туфайли ўтириб қолган опа-сингилларимиз ва бошқа муҳтож аёллар ҳақида ҳам кимдир ўйлаши керак-ку.

Файзулло Эшод: – Шахсан мен бу масалани бутунлай қоралаш ёки оқлаш фикридан йироқман. Буни ҳаёт дейдилар! Ҳаётда ҳар хил вазият, ҳолат рўй бериши мумкин. Шундай ҳодисалар ҳам ўз-ўзидан рўй бермас. Бой одамларнинг-ку нафс илжинида уйланишини оқлаб бўлмас, бироқ бир суянкчиқа, умр йўлдошга муҳтож ёлғиз аёллар истганини ҳам ҳисобга олиш керак менимча.

Муҳамед Алимжонов: – Бу ўта нозик, ечим қийин муаммолардан бири. Бу муаммони қонун қолипига солиб, бир томонлама ечим чиқариб бўлмайди. Менинг катта оталаримнинг 4-5 тадан аёллари бўлган. Оилалари сонига қараб бўлса керак, белига ўшанча чорси бойлаб юришган экан. Бу 1930 йиллардаги гап. Оталаримиз ҳаёт вақтида аёллар иттифоқ яшашган. Оталаримиздан кейин кундошлар бойликка эга бўлиш мақсадида ҳатто қотилликкача боришган экан... Кўшхотинлик масаласида тарихни ҳам ўрганиш керакка ўхшайди. Ҳозирги замонга келиб битта аёлнинг ёки битта оиланинг кам-кўстини тўғрилаш учун эркаклар жон олиб, жон беришига тўғри келяпти. Бойлар бундан мустасно. Ҳамма ҳам бой эмас. Аммо ҳар бир аёл киши бу ёруғ дунёга келибдики, оила қуришга, бахтли она бўлишга ҳақли.



Миллий ўйинлар Internet

ВА



ТАРБИЯ

ўтказилган.

Юртимизда миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаб, келажақ авлодга бекаму кўст етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унутилиб кетаётган халқ оғзаки ижоди намуналари, анъана ва урф-одатлар қатори миллий ўйинларимизни қайта тиклашга йўналтирилган ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Ёшларимизнинг аксарияти бўш вақтини турли интернет клубларда ўтказётган, уззукун ижтимоий тармоқларда банд бўлаётган бугунги кунда миллий ўйинлар тарғиботи жуда муҳим.

Халқ ўйинлари азалдан ажодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида эъзозланиб келинган. Уларнинг илдизлари жуда қадимий бўлиб, асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, онгу тафаккури ва ҳис-туйғуларини теранлаштиришга хизмат қилган ва ўғил-қизларнинг жисмоний жиҳатдан бақувват, ақлан соғлом, руҳан тетик бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этган. Уларда халқимиз турмуш тарзи, меҳнати, ютуқлари ўз аксини топган бўлиб, ёш авлодни тарбиялашда "ҳаёт мактаби" вазифасини ўтаган.

Ўйин – турли ифодали воситалар билан маълум қоида ёки олдидан келишилган шартлар асосидаги



Уйимиз яқинидаги нов-войхонадан нон оларканман: "Барака топинглар, жазираманинг иссиғида жизиллаб турган тандирга қириб чиқиш осон эмас, жуда мазали нон ёпаяпсизлар, оиламиз билан роҳатланиб тановул қилаяпмиз", дедим.

Бир нуқтага термилиб, ўйланиб ўтирган сотувчи аёл эътирофимдан жонланди:

– Ҳозиргина бир аёл "Спарк" автотомашинасида келиб, бир нечта иссиқ нон сотиб олди. Кета туриб, қолларини чимириб: "Бу нонлар усталарга хайф-да", деса бўладими... Жавоб қайтаришга улгуролмай қолдим. Чикди-ю, машинасига ўтириб жўнаворди. Хонимчанинг бу гапидан ҳали ўзимга келолмаяпман, ахир усталар ҳам одам-ку?!

Сотувчи дилини оғритган сўз мени кўнглимга ҳам оғир ботди. Қизик, уста ишлатаётган бу тарбияси таманно қайси қавмдан бўлди? Шарқона таълим-тарбиядан мутлақо беҳабар бу танноз қандай ота-онадан туғилган-у, болаларига қандай тарбия бераётган

жисмоний мусобақалар, беллашулар, тафаккур баҳслари ва ижрочилик талабларидан вужудга келган миллий қадрият ҳисобланади. Айниқса, жисмоний мусобақалар ёшларимизни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим ўрин тутади.

Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида кураш ва жисмоний машқларнинг киши бадан тарбиясидаги ўрни, ўйиннинг шифобахш хусусиятлари ҳақида қимматли фикрлар билдирган. Кайковус, Умар Хайём, Абулқосим Фирдавсий, Беруний чавгон, шахмат, тирандозлик, қиличбозлик, чавандозлик каби юзлаб ўйинлар хусусида қимматли фикрларни ёзиб қолдиришган. Алишер Навоий асарларида байрамлар, тантаналар, тўйлар муносабати билан ташкил этилган ўйинлар ҳақида кўпгина маълумотлар бор. Уларда ўйинларнинг уюштирилиши, ижрочилари, ўтказиш қоидалари баён этилган.

Миллий ўйинлар тарихини ўрганишда Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк" асарининг ўрни беқиёс. Асарда халқ ўйинларининг бир юз эликдан зиёд тури тилга олинган. Жумладан "қоранғуни" (қоронғуда кўрган олиш), "бандол" (асир олиш), "ўтиш-ўтиш" (давра ўйини), "чавгон" (тўп ўйини), "ўт бандал" (таёқ ўйини), қиличбозлик, найзадорлик ва бошқа ўйинлар ҳақида ҳам маълумот берилди ва бу ўйинларнинг бир нечтаси ҳозирги кунда ҳам болалар учун қизиқарли машғулот саналади.

"Алпомиш" дostonи халқ ўйинларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Унда кураш, от, пойга, улоқ, найза санчиш, камондан ўқ отиш, қиличбозлик, мерганлик

каби ўйинлар негизда мардлик, жанговарлик, орийат, матонат, маънавий ва жисмоний комиллик каби фазилатлар ўз ифодасини топган.

Доимий ўтказиладиган ўйинлар билан бирга ҳар бир фаслга хос ўйинлар мавжуд. Масалан, баҳорда дарахтлар уйғониб, толлар қуртак чиқарганда –



"тол баргак", дала гуллари очилганда – "гул ўйини", пишиқчилик пайтида данак, ёнғоқ ўйинлари, аргимчоқ учиш болалар ва қизлар учун сеvimли машғулот ҳисобланган. Кеч куз, қишда ёгингарчилик бошланиб, ер юмшганда қозик, ошиқ, тош ўйинлар одат тусига кирган. Қор ёққанда "қорхат", "қорбўрон", ёмғир ёққанда "ёмғир ёғалоқ", кучли шамол эсганда "бўрон-бўрон", совуқ ўз кучини кўрсатганда барча сандал атрофида йиғилиб, "топишмоқ топ", "тез айтиш", "ким айтди" каби ўйинлар ўйналган. Кеч куздан баҳоргача "улоқ-кўпқари" мусобақалари

Қадимдан юртимизда тўй-томошалар, байрамлар, халқ ўйинлари билан янада файзли, кўтаринки руҳда ўтган. Хусусан, энг оммавий бўлган миллий ўйинлардан улоқ-кўпқари ва кураш тўй ва байрамларнинг сеvimли томошасига айланган.

Халқ орасида кураш тушувчи кучли одамлар жуда ҳурмат қилинган, атрофдагилар уларга ҳавас билан қараган. Шунинг учун белини боғлаб кураш тушадиган полвонлар халқ шод-ёналарининг ардоқли меҳмони саналган. Курашда полвоннинг ори, маҳорати синовдан ўтган. Ҳозирги кунга келиб кураш янада такомиллаштирилди.

Шу боис унга қизиқувчилар тобора кўпайиб борапти. Кураш байрамларида, халқ сайилларида айниқса, юртимизнинг жанубий вилоятлари тўйларида мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Халқ ўйинлари кишига ўзгача ҳушнудлик улашади, инсоннинг кайфиятига илҳомий таъсир этади. У ёшларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ривожланишида, кучли, чاقқон, топқир, фаросатли, мард инсонлар бўлиб камол топишида ва ҳаётда ўз йўлини тутиб кетишларида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади.

Элмурод ЖўРАБЕКОВ,
Тошкент давлат аграр университети
"Жисмоний маданият ва спорт"
кафедраси ўқитувчиси

КУН ЛАТИФАСИ




– Эшитдингизми, ўқитувчилар ва шифокорларнинг ойлик маоши икки баравар оширилди эмиш?!

– Ростданми? Нима, Ободонлаштириш бошқармасида штатлар қисқартирилди эканми?

ТАМАННОНИНГ ИДДАОСИ

ёхуд усталарга иссиқ нон хайфми?



экан?

Сотувчи айтгандай, усталар ҳам инсон-ку. Улар ҳам кимнингдир отаси, кимнингдир акаси ёки укаси, азиз фарзанди... Ҳалол меҳнати билан эл орасида катта обрў-эътибор топиб, давраларнинг тўрида юрган шундай

ҳурматли усталаримиз борки, ҳавас қиласан киши.

Муқаддас китобларимизда мўмин-муслмон инсон ўзи учун яхши кўрган ҳар бир нарсани бошқа биродарларига ҳам раво кўриши ўқтирилган. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинган

ҳадисда: Расулulloх соллаллоху алайхи вассалам: "Сизлардан бирортангиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам раво кўрмагунича (комил) мўмин бўла олмайди", деганлар.

Азиз ота-оналар, фарзандларимизга дастурхон бошида чиройли сабоқлар беришни унутмайлик. Инсон ва унинг қадр-қиммати ҳар нарсадан улуг, ҳар қандай касб эгалари шараф ва эъзозга лойиқлигини ҳаётий мисоллар билан болаларимизга тушунтирайлик. Бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилганимизда қабрда ёнимиздан яхшиликларимиз, ибодатларимизгина жой олишини, охиратда бизга еганларимиз эмас, едирганларимиз, кийганларимиз эмас, кийдирганларимиз фойда беришини уларга айтилайлик.

Токи, кун келиб, унга қасрдек кошона қураётган усталарга иссиқ нонни хайф билган таманно аёл каби дилларни вайрон қилгучи бўлмасинлар!

Салима ХОЛДОРОВА

КИМНИНГ БОЛАСИ ҚАЕРДА ДАМ ОЛАДИ?

Мана, ёзги таътилни биринчи ойи ҳам ниҳоясига етди. Ёзги оромгоҳларда дам олаётган болаларнинг дастлабки гуруҳи бир олам таассуроотлар билан уларига қайтди ҳам. Аммо ўғил-қизларимизнинг ҳаммаси ҳам ёзни дам олиш оромгоҳларида ўтказмади. Бунга қайсидир ота-оналарнинг имконияти етмайди, бошқа бири боласини ёзги оромгоҳга юбориш учун қунт қилмайди. Аввалги чарчоқлардан халос бўлиб, янги ўқув йилига янгича куч-қувват тўплаши учун берилган уч ойлик таътилда мароқли дам олиши ўғил-қизларимиз учун қай даражада аҳамиятга эга? Ушбу мавзу доирасида фикрлашсак.

ТАЪТИЛ

кундалик овқатлини рақибони шунча йилдан бери ўртоқларига қўшиб юборганимга афсусландим. Бироқ оромгоҳдан қайтгач, қизимнинг гап-сўзлари, кийиниши, юриш-туришидаги ўзгариши кўриб ҳайрон қолдим. Унта гапирганда битта жавоб берадиган қизим ўз-ўзидан сергап бўлиб қолди. Кийимлари олиб берсак ёқмайди. Менимча, оромгоҳда айрим тарбиячиларнинг маъсулиятсизлиги туфайли ўсмирлар онгига севи-муҳаббатга қизиқиш, енгил ҳис-туйғуларга берилиш ҳолатлари юзага келмоқда. Чунки олий ўқув юртини тугатиб, оромгоҳга етакчи бўлиб ишга келган йигит-қизлар биринчи муҳаббатини айнан оромгоҳлардан топаётгани ва улар ўртасидаги муносабатлар болалар кўз ўнгиде шаклланаётгани фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам бор гап.

Ёзги оромгоҳлар ҳақида фикрлар хилма-хил. Бироқ яхши ҳордиқ чиқариши билан бирга боланинг шахс сифатида шаклланишида, жамиятга мослашувида оромгоҳларнинг алоҳида ўрни борлигини инкор этиб бўлмайди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тақдим этган маълумотга қўра, оромгоҳларда 140 минг 260 нафар бола соғломлаштирилаётгани ойдинлашди. Мамлакатимизда яшаётган ўғил-қизларимизнинг қолгани қандай дам оляпти? Тўғри, ҳар бир таълим муассасаси қошида кундузги оромгоҳлар ташкил қилинаётгани ҳам бор гап. Бироқ бундай масканларга ҳам ўғил-қизларимиз тўла қамраб олинмаган. Фарзандларимизнинг яхши ўқишини, юксак салоҳиятли шахс бўлиб вояга етишини истар эканмиз, нафақат мутасадди ташкилотлар, балки оилада ота-оналар ҳам уларнинг ёзги таътилини сермазмун ташкил этишни жиддийроқ ўйлаб кўришлари керак.

2017 ЙИЛ ЁЗ МАВСУМИДА



қўйларини боқишади. Зерикса, ариқда маза қилиб чўмилади. Утган йили иккитасини оромгоҳга юборганим, шароитлари яхши-ю, овқатининг калорияси пастми, уйга анча озиб-тўзиб қайтишди. Шундан кейин болаларимга дам олиш учун оромгоҳ тўғри келмас экан, деган фикрга келдим. Яхшиси қишлоқда уч ой мириқиб дам олиб келишади.

Қўшимнинг гаплари болалик хотираларимни уйғотиб юборди. Уч йил кетма-кет туманимиздаги оромгоҳга борганим. Оромгоҳда ўтган кунларимни сира эсдан чиқармайман. Вақтида овқатланиб, вақтида дам олишининг фойдаси кўп. Айниқса, ҳар бир гуруҳнинг қандай аталиши ва ширпалари, гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, кечқурун – гулхан атрофидаги чиқишлар, турли мавзудаги кинофильмлар бизни сира зериктирмасди. Яхши ҳордиқ чиқариш билан бирга янги-янги дўстлар орттирардик.

– Ўғлим 1-синфга борганида ўртоқларига унча қўшилмас, одамови эди, – дейди Учтепа туманидаги 252-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Оҳиста Турсунова. – Ёзги таътилга чиққач, ишхонамдан берган йўлланма орқали оромгоҳга юбордим. Ҳар қалай ҳаракатлари, фикрлашларида ижобий тарафга ўзгариш сезилди. Ўқишдаги баҳолари ҳам, фаоллиги ҳам бизни қувонтиряпти. Шундан сўнг дадаси билан маслаҳатлашиб уни ҳар йили оромгоҳга юборадиган бўлдик.

– Ўтган йили қизимни дугоналари билан оромгоҳга жўнатдик, – дейди Сергели туманидаги 36 оилавий полиclinика ҳамшираси Феруза Қодирова. – Орқасидан бориб болалар учун

Одатдаги иш кунларимнинг бирида эрталаб бирга ишга отланган қўшим гап очиб қолди: «Болалар уйда бўлмаса, ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўларкан. Ҳар йили шу аҳвол, тўртталаси ҳам ёзги таътилни интиқлик билан кутишади. Сўнгги кўнгиракнинг эртасигаёқ қишлоққа,

ота-онамнинг ёнига жўнатаман. Айниқса, кичкинамиз қачон ёз келади, бобом билан бувимни ёнига кетаман, деб ҳол-жонимга қўймайди. Болалар учун қишлоқ яхши-да. Шаҳарда бетон девор орасида нимаям қиларди. Ҳовлида қимирлаган жонга иш топилади. Ҳеч бўлмаса бобосининг мол-

ЎҒЛИМ ПУЛ ТОПАДИ

«Ҳар йили май охирида 4-5 бош қўй сотиб оламан. Ўғлим уч ой далада қўчқорларни ўтлатиб, боқади. Уша ерда жўралари билан анҳорда чўмилади. Истаганича уйнаб-қулади. Янги ўқув йили бошланиши арафасида битта қўйни сотиб, мактаб формаси олиб бераман. Ойиси, сингиллари истироҳат боғига бориб, айланди келишади. Ўғлим шу орқали оила бюджетига ёрдам беради, ҳам ишлайди, ҳам дам олади. Бундан биз ҳам, ўғлим ҳам хурсанд».

Нозимжон ШОДМОНОВ,
Бухоро вилояти
КИТОБ ЎҚИШГА МАЖБУРЛАБ
БЎЛМАСМИШ...

«Ёзги таътил учун китоблар рўйхатини тўзганман. Ҳар куни ишдан қайтгач, ким қайси китобни ўқиганини суриштираман. Вақтин бекор ўтказган фарзандим музқаймоққа пул ололмайди. Ҳозир шу йўл орқали компьютердан ажратиб олмасак, кейин қийин кечади. Сўнгги пайтлари қизим боши оғриётганидан тез-тез нолидиган бўлиб қолди. Шифокорга олиб борсам, камқонлик таъхисини қўйишди. «Болага мириқиб дам олиши учун уч ойлик таътил берилади. Уни ортиқча зўриқтириб, китоб ўқишга мажбурланманг. Тиниқиб ухлаб, асабларига дам берсин. Ўзи истаган вақтида мутуола қилсин. Бўлмаса, кўриш қобилияти пасаёиб кетади», деди. Тавба, китоб ўқиган боланинг қони камайиб, асаби чарчасини энди эшитишим».

Барно СОАТОВА,
Самарқанд вилояти

ЎЙГА ҚАМАБ, ЭШИКНИ ҚЎЛФЛАБ КЕТАМАН

«Ота-онам ҳам, қайнона-қайнотам ҳам оламдан ўтиб кетишган. Ёзги таътил вақти фарзандларимга қарашадиган яқинларим йўқ. Оромгоҳга юборай десам ҳар бир бола учун 600-700 минг сўм тўлашга қурбим етмайди. Шу боис эрталаб ишга отланганда болаларимни уйга қамаб, эшикни қўлфлаб кетаман. Қўпқаватли уй балқони деразаларини ҳам яхшилаб бекитаман. Бола-да, шўхлик қилиб, бирор қор-қолга учрамасин, дейман...

Ўғилларим кечгача телевизор кўришади, компьютер уйнашади. Ишдан қайтганимдан сўнг кўчага ўйнагани чиқишади.

Гулноза ХУСАНОВА,
Тошкент вилояти
ПУЛ ЙИҒАМАН

«Икки ўғил, бир қизим бор. Йил давомида маошимдан озгинадан йиғиб бораман — уларни оромгоҳга юбориш учун. Баъзида имкониятим етса, оромгоҳга икки марта ҳам юбораман. Болалар қайтгач, меҳнат таътили олиб, бир ой улар билан ҳафтасига икки-уч марта шаҳар марказидаги истироҳат боғи, ҳайвонот боғи, чўмилиш ҳавзаларига тушамиз. Шу сабаб касал бўлиб, хархаша қиламайди. Баҳолари ҳам аъло».

Шоҳсанам ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳри
ИҚТИСОД ЭЪТИБОРГА ОЛИНСА...
– Бектемир туманига қарашли «Қуёшча нури» истироҳат боғи яқинимизда, – дейди Ойгул исмли

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

- Боғ ҳудудида 73 та аттракцион бор
- Аттракционлар нархи 1500-3000 сўм атрофида
- Курилмалар Хитой ва Германиядан келтирилган
- Аттракционларнинг 40 га яқини 12-13 ёшгача, қолгани эса 16 ёшдан катталарга мўлжалланган
- Боғ ҳудудида 9 мингга яқин ҳар хил турдаги дарахлар бор
- Ҳар чоршанба «Болалар куни» деб белгиланган
- Боғда кўғирчоқ театри, фольклор жамоаси, «Улугбек» юлдузлари вокал ансамбллари фаолият юритади.
- Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул чипталар тарқатилади

аёл. – Уч нафар фарзандим бор. Боғ яқин, лекин фақат байрамлардагина борамиз. Сабаби, ўйин қурилмалари қиммат. Аттракционлар нархи 2000 сўм. Битта болани энг камида 5-6 та ўйин қурилмасида учиршига тўғри келади. Бу 10-12 минг сўм дегани. Учта болани кўнглини олиш учун 30-40 минг сўм, яна хот-дог, музқаймоқ, маккажўхори, бодроқ, ўйинчоқ, яхна ичимликлар учун эса 100-150 минг сўм маблағ сарфлашимга тўғри келади. Боғ ҳудуди жуذا озода, хушманзара. Тўғри, бу учун

тадбиркор анча-мунча маблағ сарфлаган. Фақат фойда эмас, ота-оналар имконияти ҳам эътиборга олинса...
Бола дунёга теран нигоҳ билан қарайди, дейишгани бежиз эмас. Чунки у эшитган эмас, кўпроқ кўрган нарсаларига ишонади. Унинг орзу-истаклари, ўй-хаёллари, мақсадлари ҳам шунга яраша бўлади. Уларнинг кўзларига яхшиликларни муҳрайлик.
Бектош ИСМОИЛОВ,
Нигора РАҲМОНОВА
Инфографик Аҳроп МАЛИКОВ



ҲАЁТ

токка тушиб кетиб, чинқираб йиғлай бошлайди. Тасодифни қарангки, буни итимиз Қоровой сезиб қолибди ва тезда неварамнинг елкасидан тиши билан кўтариб олибди. Кўйлагининг суви сирқиб тушгунча оғзида ушлаб туриб, кейин ерга қўйибди. Бу пайт аёлим уни қидириб чиққан, усти жиққа хўллагидан набирам лотокка тушиб кетганини илган экан. Сўнг Худого шукур деб йиғлаб юборганмиш. Кейинги гаплар бунданга ғаройиб. Ҳозир шу набирам йиғласа, Қоровой ҳам худди ўшанга ўхшаб инграйди. Ҳатто неварам нариги момосиникида йиғласа-да, ит буни сезиб, инграйверади. Бир сафар уйимиздан уч, уч ярим километр узоқликдаги танишимизникига тўйга бордик. Кеч палла эди. Чиқсак, ит машинамиз олди-

НОРТОЖИ МУАЛЛИМНИНГ ҲИКОЯЛАРИ

Хизмат сафари билан пойтахтга боргандим. Низомий номидаги ТДПУнинг Малака ошириш факультети тингловчилари турар жойига жойлашдик. Бу ерда вилоятлардан келган касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ҳам бор экан. Кечки овқатдан сўнг кўшни хонадаги тингловчилар бизнинг “кошолага” келишди. Ўзаро танишдик. Олдимда турган газеталар тахланимни кўриб бирови:

– Бир кўрсам майлими? – деб сўраб қолди. Бош ирғаб қўйдим. Газеталардан бирини варақлай туриб:

– И... йз, мана бу сиз эмасми? – деди исми-шарифимга ишора қилиб.

Гапни танишганимизга унча кўп бўлмаган ҳамхонам илиб кетди.

– Худди ўзлари. Зерикмайдиган бўлдик. Энди бу кишининг нафақат суҳбатларидан балки ёзганларидан ҳам баҳраманд бўлаверамиз. Суҳбатимиз аста-секин қовушиб борар, ҳалиги киши ўзини қайта таништириб, кўрган-билганларини менга ҳикоя қиларкан, гўё буни менга айтишни, шу орқали кўпчиликка етказиш мумкинлигини ҳис қилгандек чексиз шодланар эди.

“ЕТИМ ҚУМ” МЎЪЖИЗАСИ

– Асли шерободликман. Тумандаги қишлоқ хўжалик коллежида ишлайман. Рўзгор бут, нолийдиган жойим йўқ. Сизга бир-иккита нарса айтмоқчиман. Балким ёзарсиз. Қизириқда Гиламбол деган қишлоқ бор. Шу қишлоқ этагида бир гектарча жой қип-қизил қумликдан иборат. Етим қум деб аталади. Ана шу қумликнинг ўзига яраша сир – мўъжизалари бор. Ранги қизғиш, қўлда турмайди, яъни кафтингизга олиб қиссангиз, бирпасдан сўнг ўзидан ўзи тушиб кетади. Шифобахш. Оёқ, бел, бепуштлиқ, простата беши шамоллашларига

даво бўла олади. Қум ваннаси дегани шу бўлса керак. Энг қизиги, у қумга кўмилгач, ювиниш шарт эмас. Ўзидан ўзи тушиб кетади. Албатта, бадандан чиққан тер уни лойга айлантиради. Бироқ ўша лой ҳам ўз-ўзидан тушиб кетади. Дастлаб иссиғига чидамайсиз. Уч-беш дақиқадан сўнг мослашасиз. Яна бир гап. Одамлар шу қумдан уйларига олиб кетиб, фойдаланмоқчи бўладилар. Бироқ бу умид пучга чиқади: тўкилган қум бир суткада ўз-ўзидан йўқолади. Ерга сингадими, осмонга учадими – сира ақл бовар қилмайди. Қизиқ! Қаерга кетишини ҳозирча ҳеч қайси олим аниқлай олмаган.

ИТИМИЗ ВАФОДОР ЧИҚДИ

– Беш фарзанд, шунча набирам бор. Ҳовлимизда турли мевали дарахтлар ўсади. Қўшимча даромад сифатида картошка экамиз. Фойда ҳам ёмон эмас. Лекин мен сизга умрингизда бирор марта эшитмаган воқеани сўзлаб бермоқчиман. Бунисини, албатта, ёзинг. Зора боласини етимхонага топширадиган баъзи аёлларга ибрат бўлса.

Божамнинг бир ити бўлиб, нуқул товуқ ер эди. Бизга берди. Жойи ўзгарса бу одатини ташлайди деб уйладик. Аммо умидимиз пучга чиқди: ит бизникида ҳам ўша қилиғини ташламади. Бешинчи товуқни ҳам егач, чидаб туролмадим – уни тутиб, оғзига товуқ билан роса урдим. Натижа яхши бўлди: кучук ўша кундан бошлаб товуққа қарамайдиган, берганимизга ванноат қиладиган бўлди.

Катта неварамнинг оти – Холбек. Гўдақлигидан ҳада сифатида қўлига икки-уч сўм бериб турардим. Шундан бўлса керак мени “Олтин бобо” дейди. Биринчи невара бошқача бўларкан. Холбек бир ёшдан ўтганда ғаройиб воқеа содир бўлди.

Кунлардан бир куни неварам момосининг қўлидан чиқиб, эмаклаб кетибди. Кейин уйимиз биқинидаги лоток ариқ томон юра бошлабди. У баландмас, суви унча кўп эмас-у ёш болани оқизиб кетиши аниқ. Сувнинг шилдираши унинг диққатини тортган бўлиши керак. Хуллас, набирам ло-

да бизни кутиб турибди, аниқроғи бизни эмас, Холбекни. Эшикни очиб: “Бу нима қилиқ? Чик машинага!” деб койган бўлдим. Худди айбдор боладек машинага итоткорона чиқди. Қизиқ. Итнинг неварамизга бўлган меҳри бизникидан ортиқ бўлса бордир, зинҳор кам эмас.

РУСИЙЗАБОН ДЎСТНИНГ МАКТУБИ

Ургутда Ўроқбойжар деган қишлоқ бор. Ўша ерда Рўзиқул деган дўстим яшайди. У ҳарбий хизматда Россиянинг Ростов-Дон шаҳридан бир рус йигити билан дўстлашади. Утган асрнинг 85-йилларида шу йигит турмуш ўртоғи билан Ургутга келган экан. Биласиз, Ургутга қиш эрта келади. Газ йўқ. Чироқ ҳам кўп ўчади. Хуллас, меҳмонлар бир ҳафтача қолиб кетадилар. Рўзиқул меҳмонлар учун сандал қурилган алоҳида хонани ажратади. Ўрик ва олма ёғочидан чўғ қилиб сандални қиздиради. Эр-хотин ана шу сандалдан ҳар оқшом фойдаланишган. Меҳмонлар кетгач, орадан бир ой ўтиб, Россиядан мактуб келади: Рўзиқул, бизга сандалнинг лойиҳасини юбор. Яхши нарса экан. Биз тўққиз йилдан бери бекфарзанд эдик. Бу ерга келганимиздан сўнг хотинимнинг оғирроқ бўлгани маълум бўлди. Хуллас, сендан ва махсус иситгичиндан миннатдорман.

Рўзиқул жавоб ёзади: сандал лойиҳасини юборгани мумкин, лекин ўтин юборолмайман.

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ,
адабиётшунос олим

ОФТОБ УРГАНДА БИРИНЧИ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Барчамизга маълумки, танамиз ҳарорати Цельсий бўйича 36,6 даражани ташкил этади. Терлаш танани қизиб кетишдан сақлаб туради ва ортиқча энергияни чиқариб ташлайди. Ёз пайтида истаимизми, йўқми, кўпчилигимиз жазирама қуёш остида юришимизга тўғри келади ва ўзимиз сезмаган ҳолда танамиздаги термоназорат жараёни ишдан чиқиши мумкин. Бу халқ тилида “офтоб уриши”, “иссиқ ўтиши” деб аталади. Одам узоқ вақт юқори ҳарорат ва намликда қолганида, жазирама қуёш нури остида узоқ вақт бўлганида ва сув етишмаслигида бу ҳолат юзага келади.

Кўп ҳолларда одамлар офтоб уришини жиддий қабул қилишмайди. Аммо бу нотўғри. Термоназорат тизимининг бузилиши тезлик билан сув-туз меъёрини



бузилишига, қон айланишининг секинлашишига ва юрак аритмиясига олиб келади. Натижада юрак уриши тўхтаб, мияга қон қуйилиши мумкин.

Офтоб урганда организм фавқулодда ҳолатга ўтади ва яшаб қолиш учун нимандир қурбон қилишга тай-

ёрланади. Бундай пайтда ҳолсизлик, бош айланиши, рангнинг оқариши, кўп терлаш, ҳароратнинг ошиши ва худдан кетиш кузатилади. Бу аломатлардан бири сезилса дарҳол соя-салқинга ўтиш, қуёш нуридан қочиб керак. Жабрдийда соя-салқинда ёки ҳаво айланадиган бино ичида ўзини яхши ҳис этади. Унинг бошини баланд кўтариб, кенгроқ жойда эркин ётишини таъминлаш зарур. Бу танадан ортиқча энергия чиқиб кетишига сабаб бўлади. Пешонага муздек компресс қўйилса, бемор ўзини яхши ҳис этади. Ҳушига келади. Кўп суюқлик ичиш сув-туз меъёрини таъминлайди. Агар имкони бўлса, 20 томчи валериан тиндирмасидан ичириш керак.

Равшана АВАЗМЕТОВА

Oilavajamiat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-
қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 726. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 5110. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топшириди – 15:00

Навбатчилар: Ҳ. Мусурмонова

Б. Исmoilов

Мусаҳҳих: С. Сайдалимов

Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида

терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5